УДК 94 (575.1) /1930-1939

“ҚУЛОҚЛАР СУРГУНИ”ДА МАХСУС КЎЧИРИЛГАНЛАРНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

(ХХ асрнинг 30-йиллари)

М.Ғ. Абдуллаев

Мақолада қулоқ хўжаликлари сургун қилинган махсус манзилгоҳларда махсус кўчирилганлар меҳнатидан фойдаланиш, мажбурий сургундаги меҳнат муносабатлари, сургундагилар меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари таҳлил этилган. Махсус кўчирилганлар меҳнатидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа бирламчи манбалар асосида собиқ қулоқларнинг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ривожига қўшган ҳиссаси далиллар билан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *коллективлаштириш, қулоқ қилиш, “қулоқлар сургуни”, махсус кўчирилганлар, ОГПУ, комендатура назорати, махсус манзилгоҳлар, қишлоқ хўжалиги, меҳнат муносабатлари, меҳнат нормалари, меҳнатни рағбатлантириш.*

В статье анализируются проблемы использования труда спецпереселенцев в спецпоселениях, трудовые отношения в кулацкой ссылке, трудовые обязательства и формы оплаты труда ссыльных. Освещен вклад бывших кулаков в развитие сельского хозяйства Средней Азии на основе нормативно-правовых документов и других первичных источников, регламентирующих использование труда спецпереселенцев в различных отраслях народного хозяйства.

Ключевые слова: *коллективизация, раскулачивание, «кулацкая ссылка», спецпереселенец, ОГПУ, комендатурный режим, спецпоселение, сельское хозяйство, трудовые отношения, норма труда, поощрение труда.*

ХХ асрнинг 30-йилларида совет мамлакатида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида Ўрта Осиёнинг турли минтақаларига сургун қилинган деҳқон хўжаликларининг қўриқ ерларни ўзлаштириш, янги очилган ерларда ирригация тармоқларини барпо этиш ва қишлоқ хўжалик соҳасидаги меҳнат фаолияти тарихшуносликдаги муҳим, тадқиқ этилиши долзарб масалалардан биридир. Шунга кўра, мазкур муаммони танқидий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш муҳимдир. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ташкил этилган махсус манзилгоҳларда сургун қилинганлар меҳнатини ташкил этиш, меҳнат муносабатлари масаласини ёритиш мақсад қилинган.

Сургун қилинганлар ишчи кучидан мамлакатнинг ўзлаштирилмаган ҳудудларида кенг фойдаланиш совет ҳокимиятининг бош мақсадларидан бири эди. Даставвал, 1930 йилда Шимолий ўлка, Сибирь ва Уралга сургун қилинган қулоқлар меҳнатидан ишчи кучи танқис бўлган ўрмончилик, балиқчилик каби тармоқларда фойдаланиш, бу тармоқларда фойдаланиб бўлмайдиган қисмини эса қишлоқ хўжалигидаги ишларга сафарбар қилиш мўлжалланган эди. Кейинроқ, сургун кўламининг кенгайиши билан мамлакатнинг шимолий ва шарқий районларидаги фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштиришда махсус кўчирилганлар меҳнатидан кенг фойдаланиш ғояси илгари сурилди. Айниқса, Шимолий ўлка, Сибирнинг шимолий районлари, Қозоғистоннинг қўриқ ерлари, Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиёнинг қурғоқчил ерларини ўзлаштиришда сургун қилинган қулоқлар меҳнатидан фойдаланиш режаси партия ва совет ҳукуматининг бу борадаги сиёсатида асосий масала сифатида кун тартибига қўйилди.

1930 йилнинг кузида 2-тоифа бўйича бошқа ўлкалардан сургун қилинган ва ўлка ичида кўчирилган 168 минг қулоқ оиласидан 86 мингтаси унумсиз ерларда деҳқончилик қилишлари учун маҳаллий ташкилотлар ихтиёрига берилган эди [1. Б. 102]. Лекин маҳаллий ижроқўмлар махсус кўчирилганлар меҳнатидан фойдаланиш борасида самарали ишларни йўлга қўя олмади. 1931 йил ёзида махсус кўчирилганлар бошқаруви ОГПУ органларига ўтказилганидан кейин улар меҳнатидан мақ-

садли фойдаланиш масаласи ҳам тартибли йўлга қўйила бошлади.

1931 йил октябрида СССРнинг турли минтақаларига сургун қилинган 1 миллион 803 минг 392 кишидан 1 миллион 526 минг 522 нафари бевосита ишлаб чиқаришга боғланган эди [2. Б. 139]. Улар саноат ва қишлоқ хўжалигининг 24 та соҳасида меҳнат қилганлар. Махсус кўчирилганларнинг кўпчилиги – 1183448 киши ёки 77,5 фоизи саноатнинг 19 хил соҳасида, 343384 киши ёки 22,5 фоизи қишлоқ хўжалигининг 5 та тармоғида банд бўлган [3. Б. 713]. Ўрта Осиёга сургун қилинган қулоқ оилаларининг деярли барчаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилганлар. Улар, асосан, ўзлари томонидан ўзлаштирилган ерларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йўлга қўйдилар.

“Қулоқ” хўжаликларини сургун қилишнинг дастлабки даврида сургун қилинганларни маъмурий бошқариш, хўжалик жиҳатдан уюштириш, шунингдек, ҳуқуқий ҳолатини белгилаш масаласида ҳам ўта чалкашлик ва тартибсизликлар юз берди. ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида сургун қилинадиган қулоқ оилаларининг ҳуқуқий ҳолати масаласи умуман қўйилмаган эди. Қарорда фақатгина сургун қилинаётган оила аъзолари “ўз ихтиёрига кўра ва маҳаллий ижрокомлар розилиги билан аввалги яшаш жойида вақтинча ёки доимий қолиши мумкинлиги” кўрсатиб ўтилган эди, холос.

1931 йилнинг июлигача сургун қилинган қулоқларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунан аниқ белгиланмаган ва тартибга солинмаган. Мамлакатнинг чекка минтақаларига сургун қилинганлар ҳам, округ ва районлар ичида кўчирилганлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан суд қарори билан сургун қилинганларга тенглаштирилиб, барча фуқаролик ҳуқуқларидан ва имтиёзлардан маҳрум қилинганлар. Ташкилий жиҳатдан эса “қулоқ”лар муддатли сургун қилинганлардан бирмунча фарқ қилганлар. Чунончи, улар ўз малакалари бўйича иш билан таъминланганлар. Яшаш жойини танлаш, турар жойларнинг хусусияти, машғулот тури ва формалари, тартиб-қоидалар тегишли хўжалик ташкилоти томонидан белгиланган [3. Б. 604].

Сургун жойида қулоқлар шахсий истеъмол ашёларидан ташқари барча турдаги мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилган. Уларнинг хўжалик-маиший турмушини ташкил этишга мўлжалланган жиҳозлар – турар жой, умумий фойдаланиш биноларидаги жиҳозлар ва меҳнат қуроллари давлат мулки ҳисобланган. Сургун қилинганларнинг турмуш кечириши билан боғлиқ барча ҳаракатлар ва жараёнлар умумлаштирилган. Жумладан, белгиланган нормадаги озиқ-овқат умумий ошхоналардаги умумий қозондан тарқатилган, ҳаммомлар, кир ювиш жойлари, тиббий пункт ва касалхоналар, мактаблар, клублар, болалар уйлари умумлаштирилган. Бу тартибда шахсий маиший ҳаёт кўринишларини имкон қадар намоён қилмасликка ҳаракат қилинган. Шахсий маиший ҳаёт кўринишлари болаларда хусусий мулкчилик кайфиятини юзага келтиради, деб ҳисобланган.

Махсус посёлкаларда ўрнатилган ички тартиб ва мажбуриятларга нисбатан сургун қилинганларнинг суиистеъмол ҳаракатлари посёлка маъмурияти томонидан белгиланган қоидалар асосида жавобгарликка тортилиши белгиланган. Жиноий ҳаракат содир этганлар эса умумфуқаролик суди томонидан жавобгарликка тортилиши кўрсатилган. Сиёсий жиноятлар, посёлкадан қочиб кетиш, муғамбирлик, меҳнатдан бўйин товлаш, норозилик кўринишлари ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар ОГПУ органлари орқали жавобгарликка тортилган [4. Б. 342].

Юқоридаги низомда махсус кўчирилганлар ҳуқуқий ҳолатининг барча масалалари акс этмаган эди. Жумладан, иш вақти, тегишли соҳалар бўйича мажбурият ва нормалар, иш ҳақи, иш ҳақидан олиб қолинадиган чегирмалар, посёлка маъмурияти томонидан махсус кўчирилганларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари шакли ва унинг меъёри каби масалалар аниқ кўрсатилмаган эди. Бу каби масалаларда жойлардаги махсус посёлкалар маъмурияти ва хўжалик ташкилотлари ўз билганларича иш тутганлар. Натижада бу борада ўзбошимчалик, ҳаддан ошишлар содир бўлиб турган.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, СССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС)нинг сургун қилинган қулоқлар масаласи бўйича комиссияси 1930 йил 5 апрелдаги йиғилишида сургун қилинган қулоқлардан ишчи кучи сифатида фойдаланилганда улар меҳнатига ҳақ тўлаш шу соҳада ишлаётган эркин ишчиларники билан бир хилда бўлиши ҳақида қарор чиқарган эди [5. Б. 378]. Бироқ СССР ХКСнинг 1930 йил 5 майдаги қаро-

рида комиссия қарорининг бу банди “сургун қилинган қулоқлардан ишчи кучи сифатида фойдаланилганда уларнинг иш ҳақлари шу соҳада фаолият кўрсатаётган бошқа ишчиларникига нисбатан 20-25 фоиз камроқ бўлиши зарур ва уларга ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун татбиқ этилмайди”, деб ўзгартирилди.

Сургун қилинган қулоқ хўжаликлари қаерда ишчи кучи зарур бўлса, ўша ерга оила аъзолари билан бирга жойлаштирилди. Маҳаллий ҳукумат оғир шароит остида қолган қулоқ оила аъзоларининг эҳтиёжи билан қизиқмади. Бу вазиятда айниқса ёш болалар, кексалар ва ногиронлар ночор аҳволда қолди. Қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган жойларда, хусусан, Ўрта Осиё махсус посёлкаларида 12 ёшли болалар ҳам пахтачилик ишларига катталар билан баб-баравар сафарбар қилинди [6. Б. 320].

1931 йил 25 октябрда тасдиқланган “Махсус кўчирилганлар жойлаштирилган районларда посёлкалар маъмуриятининг функциялари ва махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича Муваққат низом”да белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар меъёрини таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. “Муваққат низом”нинг мажбуриятлар бўлимида “махсус кўчирилганларнинг меҳнатга яроқли барчаси оммавий-фойдали меҳнат билан шуғулланишлари шарт”, деб кўрсатилган эди. Иш тури ва жойи махсус кўчирилганлар бошқарувига масъул ОГПУ органлари томонидан белгиланган [7. Б. 126–127].

Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатураси рухсатисиз яшаб турган посёлка ҳудудидан ташқарига чиқиш, яшаш жойини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Улар давлат ва жамоа мулкларини, жумладан, яшаётган уйдаги жиҳозларни, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини асраб-авайлашлари шарт бўлган. Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатураси томонидан посёлкада жорий қилинган тартиб-қоидаларга сўзсиз бўйсуниши ва риоя қилиши, посёлка маъмурияти, маҳаллий совет органлари ва совет ҳукуматининг барча қарор-кўрсатмаларини ҳаётга тўла татбиқ этишлари лозим эди. Уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги мажбуриятлари тегишли хўжалик ташкилотларида амалда бўлган тартиб-қоидалар асосида белгиланган [8. Б. 508–509].

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган махсус кўчирилганлар, шунингдек, уларнинг оила аъозлари ижтимоий таъминот, иш ҳақи бўйича ҳуқуқлари эркин фуқароларга қўлланилган ҳуқуқлар билан тенглаштирилди. Яъни, сургун қилинганлар меҳнати эвазига барча билан тенг миқдорда иш ҳақи оларди, бироқ улар иш ҳақининг 15 фоизи махсус манзилгоҳларнинг маъмурий бошқаруви ва бошқа хизматлар учун ушлаб қолинар эди. Шунингдек, сургун қилинганлар ва уларнинг оила аъзолари сургун жойларида бепул тиббий хизматлардан фойдаланишлари ва барча фуқаролар учун белгиланган социал имтиёзлардан фойдаланишлари ҳам мумкинлиги меъёрий ҳужжатларда акс этган. Лекин, мавжуд архив ҳужжатлари гувоҳлик бермоқдаки, айрим чекка ҳудудларда махсус кўчирилганларга хизмат кўрсатувчи энг оддий тиббий муассасаларнинг (тиббий пункт, амбулатория) ўзи бўлмаган, аксарият меҳнат посёлкаларида врачлар ёки тиббий ходимлар фаолияти йўлга қўйилмаган эди. Низомда ҳеч кими йўқ етимларга, шунингдек, ёлғиз қария ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши (интернатларга жойлаш ёки меҳрибонлик уйларига топшириш кўринишида), бу каби ижтимоий ёрдамлар маҳаллий соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган [9. Б. 58].

Сургун қилинган собиқ “қулоқлар”нинг фарзандлари ҳеч қандай чекловларсиз маҳаллий умумтаълим мактабларига қабул қилиниши меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Лекин аксарият ҳолларда махсус кўчирилганларнинг бу ҳуқуқлари тўла таъминланмаган. Чунки 1930 йилларнинг бошида Ўзбекистоннинг чекка, кимсасиз ҳудуларида ташкил этилган меҳнат посёлкаларида мактаб тугул, одамлар яшаши учун яроқли бўлган биноларнинг ўзи йўқ эди. Мавжуд мактаблар меҳнат посёлкаларидан 30–40 км узоқликда эдики, болаларнинг бу мактабларга қатнаши имконсиз бўлган. Бошқа бир томондан, мавжуд манбалар гувоҳлик берадики, сургун қилинган “қулоқлар” жойлаштирилган районлардаги айрим мактаблар маъмурияти қулоқларнинг фарзандларини мактабларга қабул қилишни хоҳламаган. Умуман, Ўзбекистон ССРда 1930-йилларнинг ўрталаригача махсус манзилгоҳларда мактаблар тизимини ташкил этиш, уларга сургун қилинганлар фарзандларини жалб этиш жуда қийинчиликлар билан кечган. Амал-тақал барпо этилган мактабларда парта, ёзув доскаси, ўқув қуроллари, миллий тиллардаги (тожик, туркман, қозоқ, қорачой, ка-

бардин ва бошқа) дарсликлар етишмаган. Устига-устак, бу каби мактабларда миллий тилларда дарс ўтадиган ўқитувчилар ҳам етишмаган, шу боис айрим меҳнат посёлкаларида дарс машғулотларини сургун қилинганларнинг ўзлари олиб борганлар [10. Б. 46–47].

Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатурасининг рухсати билан меҳнат посёлкалари доирасида турли маданий-маърифий ташкилотлар – тўгараклар, ўқув машғулотлари, ҳаваскорлик гуруҳлари, санъат дастаси каби бадиий-кўнгилочар тадбирларни уюштиришлари ҳам мумкин эди. Лекин бу каби тадбирлар ОГПУ комендантининг қатъий назорати остида ўтиши, турли саҳна кўринишлари ва томошаларнинг сценарийлари аввалдан комендант назоратидан ўтиши лозим эди. Умуман, махсус посёлкаларда сургун қилинганлар томонидан ташкил этилиши мумкин бўлган оммавий-кўнгилочар тадбирлар мазмуни ҳам ўта сиёсийлаштирилган, уларда совет давлати олиб бораётган сиёсат, совет турмуш тарзи, ишлаб чиқа-ришда социалистик мусобақа каби оммавий кампаниялар акс этиши лозим эди [11. Б. 136].

Махсус посёлкалар аҳолиси мамлакатда нашр этилаётган турли газета-журналларга обуна бўлишлари мумкин эди. Бу борада ҳеч қандай чекловлар бўлмаган. Шунингдек, махсус кўчирилганлар ўз қариндошлари ва бошқа яқинларидан турли почта жўнатмалари олишлари, хат ёзишмалари олиб боришлари каби ҳуқуқларга ҳам эга эди. Лекин шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, махсус манзилгоҳлардаги махсус кўчирилганлардан бошқа жойларга юборилаётган хатлар ОГПУ органлари томонидан текширилган. Юборилаётган хатлар ўқиб чиқилиб, зарарли деб топилган хатлар йўқ қилинган. Масалан, 1930 йилнинг июнь ойи иккинчи ўн кунлиги мобайнида бутун мамлакат бўйича махсус манзилгоҳлардан юборилаётган 16790 та хат куч ишлатувчи органлар томонидан текширувдан ўтказилиб, улардан фақат 143 таси цензурадан ўтган, қолган 8871 таси манзилига юборилмай, йўқ қилинган [12. Б. 136].

Сургун қилинганлар турли масалалар бўйича юқори давлат органларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишлари ҳам мумкин эди. Яъни, махсус кўчирилганлар кўпинча уларнинг нотўғри сургун қилинганлари юзасидан ОГПУ ва бошқа ҳокимият органларига ариза билан мурожаат қилганлар. Бу каби аризалар билан 1930–1933 йилларда ўн минглаб махсус кўчирилганлар мурожаат қилган, лекин бу каби аризалар ҳокимият органлари томонидан деярли кўриб чиқилмаган, кўриб чиқилган оз сонли аризалар ҳам тўла рад этилган [3. Б. 575].

Махсус кўчирилганларга ўз ҳисобларидан уйлар ва ёрдамчи бинолар қуриш, уй-рўзғор буюмларига эгалик қилиш ва чорва ҳайвонлари асрашга рухсат берилган. Сургун қилинганларнинг дастлабки даврдаги яшаш шароитлари ва моддий аҳволини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, уларда бундай имконият деярли йўқ эди. Фақат 1930-йилларнинг охирига келиб, махсус кўчирилганлар ўзларини иқтисодий жиҳатдан тиклаб олганларидан кейингина ўз маблағлари ҳисобига уй-жой қуриш ва маълум миқдорда чорва ҳайвонларига эгалик қилиш имконига эга бўлганлар.

Сургун қилинган қулоқлар ва уларнинг фарзандлари эркин фуқаролар билан оила қуриши мумкин эди. Лекин бу вазият сургундаги аёл ёки эркакнинг озод қилинишига имкон бермаган ёки, аксинча, сургун қилинган фуқаро билан турмуш қурган эркин фуқаро ўз эркинлигини йўқотмаган. Фақат махсус кўчирилган фуқарога уйланган эркин фуқаролар шу ерда яшаб қолиши шарт эди. Чунки унинг хотини махсус посёлкалардан кетиш ҳуқуқига эга эмас эди [7. Б. 121].

Қулоқ оилаларини сургун қилиш ва махсус посёлкаларга жойлаштириш жараёнида махсус кўчирилганлар ҳақ-ҳуқуқларига доир ҳукуматнинг бир нечта қарорлари қабул қилинган, турли кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Бу каби қарорлар ичида СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 27 майда қабул қилган “Собиқ қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиблари тўғрисида” қарори муҳим ўрин тутади [6. Б. 219]. Бу қарорда сургун қилинган қулоқлар сургун жойларида ўзларини ижобий томондан кўрсатиб, сидқидилдан меҳнат қилиб совет давлатига содиқлигини намоён қилсалар, улар сургун қилинганига 5 йил бўлганида озод қилинишлари мумкинлиги айтилган эди. Кўпгина махсус кўчирилганлар сургун жойларида ҳақиқатан ҳам астойдил меҳнат қилиб, қарор бандларида кўрсатилган шартларни бажарганлар. Шунга мувофиқ равишда бутун мамлакат бўйича 1934 йилнинг ноябрь ойида сургун қилинганига 5 йил тўлган собиқ қулоқ оилаларидан 8505 таси ёки 31364 кишининг эркинлиги тикланган, улардан 6017 оила ёки 23507 киши ўзларининг аввалги яшаш жойларига жўнаб кетишга муваффақ

бўлган. 2488 оила ёки 7857 киши эркин фуқаролар сифатида махсус посёлкаларда яшашда давом этган [13. Б. 63]. Ўрта Осиё минтақасидаги меҳнат посёлкаларидан фақат 78 кишининг эркин фуқаро сифатидаги ҳуқуқи тикланган, уларнинг барчаси сургун жойларида яшашда давом этган [14. Б. 208].

Айрим вазиятларда ўзининг сидқидилдан қилган меҳнати билан фуқаролик ҳуқуқини тиклаган, меҳнатда илғорлик намуналарини кўрсатган махсус кўчирилганларга маълум бир муддатга аввалги яшаш жойига бориб келиши учун рухсат берилган. Бундай ҳолларда уларга вақтинчалик амал қилувчи паспорт берилган. Фуқаролик ҳуқуқи тикланган кишиларнинг ўзбошимчалик билан меҳнат посёлкаларини ташлаб кетишлари уларга нисбатан жиноий жавобгарлик қўзғатилишига асос бўлган [15. Б. 143–144].

Махсус кўчирилганлар ҳуқуқий ҳолатида юқоридаги каби чалкашликлар юзага кела бошлаганидан кейин, СССР Марказий Ижроия Комитети 1935 йил 25 январда ўзининг аввалги – 1931 йил 3 июлдаги ва 1934 йил 27 майдаги қарорларига тузатиш киритувчи махсус қарор қабул қилган. Бу қарорда “Махсус кўчирилганлар фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиши уларга махсус манзилгоҳлардан жўнаб кетиш ҳуқуқини бермайди”, деган алоҳида банд киритилган эди [16. Б. 57].

Совет ҳокимияти томонидан собиқ қулоқлар ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уларни ҳар жиҳатдан эркин фуқаролар билан тенглаштириш бўйича чиқарилган қарорлар кўпроқ декларатив характерга эга эди. Уларнинг аксарияти фақат номига қабул қилинган, амалиётга деярли татбиқ этилмаган. Ёки чиқарилган айрим қарор бандларини бажариш махсус кўчирилганлар учун деярли имконсиз эди. Энг муҳими, бу қарорлар амалиётида қонунчиликнинг умумэътироф этилган принциплари бузилди.

Мамлакат бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлган махсус кўчирилганлардан 255589 киши уставсиз қишлоқ хўжалик артелларида, 44550 киши совхозларда, саноат ташкилотлари ва ОГПУ органларининг ёрдамчи хўжаликларида меҳнат қилди. Улардан 23124 киши пахтачилик билан, 7197 киши эса махсус техника экинлари етиштириш билан шуғулланди. Хусусан, 1932 йилда Ўрта Осиёга сургун қилинган “қулоқ”лардан 4260 нафари қишлоқ хўжалигида меҳнат қилди [2. Б. 151].

1930 йилда Ўзбекистонда “Боёвут”, “Савай”, “Булунғур”, “Ҳазорбоғ”, “Учқўрғон”, “Далварзин”, “Норин” совхозлари ташкил қилинган эди. Совхозларда яшаш учун етарли шароит йўқлигидан ишчи кучи етишмаган, бошқа районлардан юборилган ишчиларнинг кўпчилиги оғир аҳвол туфайли кетиб қолган [5. Б. 233]. Шу сабабли сургун қилинган қулоқ хўжаликларининг асосий қисми янги ташкил қилинган совхозларга жойлаштирилган. Улар, асосан, пахтачилик билан шуғулланганлар.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил апрель ойида ташкил этилган В.В.Шмидт бошчилигидаги комиссиясининг 11 апрелдаги йиғилишида махсус кўчирилганлар учун ишлаб чиқариш воситалари ва моддий-техник ресурсларни ажратиш тартиблари ва шартлари белгиланди. Чунончи, ОГПУ органларида сургун харажатларидан ортган 15 миллион сўмни сургун қилинганларни жойлаштириш мақсадларида сарфлаш, махсус кўчирилганларга икки йил муддатли кредит шаклида оддий қишлоқ хўжалик асбоблари ва уруғликлар бериш ҳақида қарор чиқарилди [14. Б. 379].

Комиссиянинг бу қарори бир қарашда махсус кўчирилганлар оғир тақдирини енгиллатувчи “либерал” характердаги чора сифатида кўринса-да, аслида бундай бўлиб чиқмади. Биринчидан, махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва хўжалик жиҳатдан уюштириш учун ажратилган маблағ ва зарур воситалар жуда оз эди, иккинчидан, кредит ва ссудалар қисқа муддатли эди. Бунинг устига комиссиянинг бу борадаги баъзи қарорлари бажарилмади.

СССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг 1930 йил 3 октябрдаги “Махсус кўчирилганлар тўғрисида”ги қарорида қишлоқ хўжалигида банд бўлган қулоқлар учун муайян маҳсулот етиштириш бўйича мажбуриятлар жорий этилди. Экин тури ва мажбуриятлар миқдори район ижроқўмлари томонидан белгиланар эди. Махсус посёлкалар эҳтиёжи ва харажатлари ҳам махсус кўчирилганлар ҳисобидан қопланиши қарорда кўрсатиб ўтилди. Махсус кўчирилганлар СССР Молия халқ комиссарлиги томонидан белгиланадиган алоҳида асослар бўйича умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳам тўлаб туришлари лозим эди [14. Б. 263].

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1931 йил 16 августдаги 174/сс сонли “Махсус кўчирилганлар тўғрисида” қарорида тегишли районларда сургун қилинганлар деҳқончилиги ва томорқаси учун 1931–1932 йилларда 240 минг гектар ер ажратиб бериш белгиланган, унинг 84

минг гектарига озуқа экинлари, 18 минг гектарига кузги экинлар экилиши, 156 минг гектари эса томорқа сифатида тақсимланиши лозим эди [12. Б. 123]. Қарорда икки ой муддатда сургун жойларига 5 млн. 400 минг сўмлик қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари; 11 млн. 330 минг сўмлик уруғлик; 7 млн. 360 минг сўмлик 20 минг бош от; 4 млн. 885 минг сўмлик 33 минг бош сигир; 621 минг сўмлик 8300 бош чўчқа; 150 минг сўмлик турли паррандалар етказиб бериш тегишли комиссарликларга юкланган. СССР Ер ишлари халқ комиссарлигига эса 9 млн. 499 минг сўм ҳажмда ер фондларини яхшилаш ишларини амалга ошириш юклатилди. Бу харажатлар учун давлат томонидан 40 миллион сўм ажратилди. Бу маблағ ссуда кўринишида берилган бўлиб, махсус кўчирилганлар уни 1932 йил охиридан эътиборан 2 йил давомида қайтаришлари шарт эди [14. Б. 161–162]. Ҳар бир махсус кўчирилган оиласига ўз ҳисобларидан от, сигир, қўй, чўчқа ва паррандага эга бўлиш ва фойдаланишга рухсат берилди. Сургун қилинганлар 1934 йил 1 январигача барча солиқлардан ва маҳаллий йиғимлардан озод қилиндилар [3. Б. 733].

1932 йил 6 майда махсус кўчирилганларнинг уставсиз қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этиш бўйича йўриқнома тасдиқланди [13. Б. 405]. Унда артеллар якка хўжаликларни ўзаро бирлаштириш асосида тузилиши, томорқа хўжалигидан эса якка ҳолда фойдаланиш белгиланди. Уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари ОГПУ комендатуралари назорати остида фаолият олиб бориши лозим эди. Артель аъзолари жамоавий ерда жамоавий ишлаб чиқариш воситаларидан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган, холос.

Уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари юридик шахс мақомига эга бўлмаган. Артелнинг барча мулклари аъзоларнинг тенг ҳақли бўлган хусусий ҳуқуқдаги ёки ижара ҳуқуқидаги мулки ҳисобланган. Артель аъзоларига мулкларни асраб-авайлаш, мажбуриятларни бажариш ва кредитларни қайтариш бўйича баравар масъулият юкланган [13. Б. 410].

Умуман, совет ҳукумати даставвалида қулоқ хўжаликларини сургун қилиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини йўқотишни мақсад қилган бўлса, 1931 йилдан бу амалиёт бошқа бир мақсадга йўналтирилди. Сургун қилинганлардан чекка минтақаларда халқ хўжалигини йўлга қўйишда арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишдек янги мақсад юзага келди. Илк йилларда махсус посёлкаларда яшаш учун энг оддий шароитлар ҳам бўлмаган. Сургун қилинганлар очиқ далада муваққат қурилган бараклларда, чайла ва ертўлаларда кун кечирдилар. Қишлоқларга яқин бўлган махсус посёлкалар ҳам қатъий режим ва назорат остида бўлиб, махсус кўчирилганлар эркин аҳоли билан алоқа қила олмас эди.

Махсус манзилгоҳларда сургун қилинганлар зиммасига жуда оғир мажбуриятлар юкланди. Меҳнат нормаларини бажармаганлар жазога тортилди. Оғир машаққат билан бажарилган меҳнат мажбурияти эвазига улар оз миқдордаги озиқ-овқат улуши олардилар. Бу озиқ-овқат улуши миқдори кўпинча қисқартирилар, улуш сургун қилинган оила эҳтиёжига етмас эди. Сургундагилар аксарият ярим оч ҳолда меҳнат қилиб, амал-тақал кун кечирганлар.

Адабиётлар:

1. *Козлов В.А., Хлевнюк О.В.* Начинается с человека: человеческий фактор в социалистическом строительстве: итоги и уроки 30-х годов. – Москва: Политиздат, 1988. – 253 с.

2. *Шашков В.Я*. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930-1954 гг. – Мурманск, 1996. – 280 с.

3. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918–1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Том 3. 1930–1934 гг. Кн. 1. 1930–1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – Москва: РОССПЭН, 2003. – 864 с.

4. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918–1960. / Под ред. акад. А.Н.Яковлева; Сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. – Москва: Международный фонд «Демократия», 2000. – 888 с.

5. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. / Под ред. В.Данилова, Р.Маннинг, Л.Виолы. Том 2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930 г. / Отв. ред. Н.Ивницкий. – Москва: РОССПЭН, 2000. – 928 с.

6. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929–1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах, Том 2. / Под ред. Д.А.Алимовой. – Ташкент: Шарк, 2006. – 496 с.

7. Россия Федерацияси давлат архиви (РФДА), Р.9401-фонд, 1-рўйхат, 67-иш.

8. Архивы Кремля. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940. В 2 кн. Кн.1. / Отв. ред. Н.Н.Покровский. – Москва: РОССПЭН, 2005. – 912 с.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд, 1-рўйхат, 5-иш.
10. ЎзР ИИВА, 32- фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
11. *Красильников С.А*. Серп и молох. Крестьянская ссылка в Западной Сибири в 1930-е годы. – Москва: РОССПЭН, 2003. – 286 с.
12. *Ивницкий Н.А.* Судьба раскулаченных в СССР. – Москва: Собрание, 2004. – 298 с.
13. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930–1960. – Москва: Наука, 2003. – 306 с.
14. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. Том 5. Спецпереселенцы в СССР. / Отв. ред. и сост. Т.В. Царевская-Дякина. – Москва: РОССПЭН, 2004. – 824 с.
15. *Лысков Д.* Запретная правда о «сталинских репрессиях». «Дети Арбата» лгут! – Москва: Яуза-пресс, 2012. – 288 с.
16. Собрание законов СССР. 1935. № 7.
17. Спецпереселенцы в Западной Сибири. Том 3. 1933–1938 гг. / Сост.: С.А.Красильников, В.Л.Кузнецова, Т.Н.Осташко, Т.Ф.Павлова, Л.С.Пащенко, Р.К.Суханова. – Новосибирск: Экор, 1994. – 310 с.

LABOR RELATIONS OF SPECIAL SETTLERS IN THE “KULAK EXILE” (30s of the 20th century)

M.G. Abdullaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5(65). 22-29.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *collectivization, dispossession, "kulak exile", special settlers, OGPU, commandant's regime, special settlements, agriculture, labor relations, labor standards, labor promotion.*

During the collectivization of agriculture, the question of labor activity in exile of the exiled kulak farms is one of the issues that have not been specially studied in historiography.

One of the main goals of the Soviet government was the widespread use of the labor force of exiles in the undeveloped regions of the country. In 1931, with the expansion of the scope of exile, the idea of wide use of the labor of special displaced people was put forward in the development of unused land in the northern and eastern regions of the country. In particular, the plan to use the labor of exiled kulaks in the development of the Northern Land, the northern regions of Siberia, the protected lands of Kazakhstan, the arid lands of the North Caucasus and Central Asia was put on the agenda as the main issue in the policy of the party and the Soviet government in this regard.

In the place of exile, kulaks were deprived of the right to own all kinds of property, except for personal consumption goods. The equipment intended for the organization of their economic and household life - accommodation, equipment in public buildings and work tools were considered state property. All actions and processes related to the marriage of exiles are summarized.

Deported earldoms were resettled with family members wherever labor was needed. The local government was not interested in the needs of the Kulak family members who were in dire circumstances. In this situation, young children, the elderly and the disabled are especially vulnerable. In places occupied with agriculture, in particular, in the special settlements of Central Asia, 12-year-old children were also mobilized for cotton farming along with adults.

IDPs and family members employed in various occupations are treated as free wage workers in terms of wages, provision of food and various goods. However, 15 percent of the salary of special displaced persons is withheld for administrative management and service expenses.

The new Constitution of the USSR adopted on December 5, 1936 made some changes to the legal status of labor migrants. In its Article 135, labor migrants were declared full-fledged citizens, all of whom had the right to vote. But they did not have the right to leave for special settlements.

On October 22, 1938, the decision of the Soviet of People's Commissars of the USSR No. 1143-280s "On issuing passports to children of special displaced persons and exiles" was announced. According to this decision, the children of exiled kulaks who reached the age of 16 could get passports and go to other regions to get a job or study. However, in the first months, the release was almost not implemented as there were some uncertainties in it.

References:

1. Kozlov, V.A., Hlevnyuk, O.V. (1988) *Nachinaetsya s cheloveka: chelovecheskij faktor v socialisticheskom stroitelstve: itogi i uroki 30-h godov* [It starts with a person. The human factor in Socialist construction: results and lessons of the 30s]. Moscow: Politizdat.

2. Shashkov, V.Y. (1996) *Raskulachivanie v SSSR i sudby specpereselencev 1930-1954 gg.* [Dispossession in the USSR and the fate of special settlers 1930-1954]. Murmansk.

3. Berelovich, A. (ed.) (2003) *Sovetskaya derevnya glazami VCHK-OGPU-NKVD. 1918-1939* [Soviet village through the eyes of the CHEKA-OGPU-NKVD. 1918-1939]. Dokumenty i materialy. 1930-1934 gg. Kn. 1. 1930-1931 gg. [Documents and materials. 1930-1934. Book 1. 1930-1931]. In 4 volumes. Vol. 3. Moscow: ROSSPEN.

4. Yakovlev, A.N. (ed.) (2002) *GULAG: Glavnoe upravlenie lagerej. 1918-1960* [GULAG: The Main Directorate of camps. 1918-1960]. Moscow: Mejdunarodnyj fond “Demokratiya”.

5. Danilov, V.P. (ed.) (2000) *Tragediya sovetskoj derevni. Kollektivizaciya i raskulachivanie* [The tragedy of the Soviet village. Collectivization and dekulakization]. Documents and materials in 5 volumes. Vol. 2. November 1929-December 1930. Moscow: ROSSPEN.

6. Alimova, D.A (ed.) (2006) *Tragediya sredneaziatskogo kishlaka: kollektivizaciya, raskulachivanie, ssylka 1929-1955 gg*. [The tragedy of the Central Asian village: collectivization, dispossession, exile 1929-1955]. Documents and materials in 3 volumes. Vol. 3. Tashkent: Sharq.

7. Rossiya Federatsiyasi davlat arxivi (RFDA) [State archive of the Russian Federation]. Fund – R. 9402. List-1, Folding Volume-67.

8. Pokrovskiy, N.N. (ed.) (2005) *Arhivy Kremlya. Politbyuro i krestyanstvo: vysylka, specposelenie. 1930-1940*. [Archives of the Kremlin. The Politburo and the Peasantry: expulsion, special settlement. 1930-1940]. In 2 volumes. Vol. 1. Moscow: ROSSPEN.

9. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi arxivi (O‘zR IIVA) [Archive of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan]. Fund – R.32. List-1, Folding Volume-5.

10. O‘zR IIVA. Fund – R.32. List-1, Folding Volume-1.

11. Krasilnikov, S.A (2003) *Serp i moloh. Krest'yanskaya ssylka v Zapadnoj Sibiri v 1930-e gody* [Sickle and moloch. Peasant exile in Western Siberia in the 1930s] . Moscow: ROSSPEN.

12. Ivnickij, N.A. (2004) *Sudba raskulachennyh v SSSR* [The fate of the dispossessed in the USSR]. Moscow: Sobranie.

13. Zemskov, V.N. (2003) *Specposelency v SSSR. 1930-1960* [Special settlers in the USSR. 1930-1960]. Moscow: Nauka.

14. Sarevskaya-Dyakina, T.V. (ed.) (2004 *Istoriya Stalinskogo GULAGa. Konec 1920-h – pervaya polovina 1950-h godov.* [The history of Stalin's GULAG. The end of the 1920s – the first half of the 1950s]. In: Sobranie dokumentov v 7-mi tomah [Collection of documents in 7 volumes]. Vol. 5. Moscow: ROSSPEN.

15. Sobranie zakonov SSSR. (1935) [Collection of laws of the USSR]. No. 7.

16. Lyskov, D. (2012) *Zapretnaya pravda o ‘stalinskih repressiyah’. ‘Deti Arbata’ lgut!* [The forbidden truth about the ‘Stalinist repressions’. The ‘Children of Arbat’ are lying!]. Moscow: Yauza-press.

17. Krasilnikov, S.A. (ed.) (1994) *Specpereselency v Zapadnoj Sibiri* [Special settlers in Western Siberia]. Vol. 3. 1933-1938. Novosibirsk: Ekor.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВ Музробжон Ғуломович – тарих фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори в.б. E-mail: muzrobjon@list.ru